

Бошқаларнинг саодатли бўлиши сиз учун бахтсизлик эмас



13:46 / 24.11.2025 2562

Бир киши Умар ибн Хаттоб розияллоху анхуга деди:

- Мен бир кишининг олдидан келяпман, у одамларга Қуръонни ёддан айтиб туриб ёздиряпти! Умар розияллоху анху ғазабга миндилар. У кишига дедилар:

- Ҳой, нима деяётганингни биласанми?

- Мен ҳақ гапни айтяпман!

- Ким экан ўша кимса?

- Абдуллоҳ ибн Масъуд!

Шунда Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу дедилар:

Бунга ундан кўра ҳақлироқ кишини билмайман. Бу ҳақда сенга айтиб бераман. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир ишлари билан Абу Бакрнинг уйида тунаб қолдик. Сўнгра у ердан чиқдик. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр билан менинг ўртамизда эдилар. Масжидга етиб борганимизда бир киши Қуръон ўқиётган эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тўхтаб унга қулоқ солиб турдилар. Мен у кишига: «Эй Аллоҳнинг Расули! Кеч бўлди, юрайлик», дедим. Аллоҳнинг Расули менга «жим бўл» дегандек ишора қилдилар. Қуръон ўқиётган киши рукуъ қилди, сажда қилди. Сўнг ўтириб дуо қилиб, истиффор айта бошлади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «Сўра, сенга берилади», деб турдилар. Кейин бизга айтдилар: «Ким Қуръонни янги нозил бўлганидек ўқимоқчи бўлса, Ибн Умми Абднинг қироати каби ўқисин!». Мен ҳам, Абу Бакр ҳам ана шунда унинг Абдуллоҳ ибн Масъуд эканини билдик! Эртаси тонг отгач, Ибн Масъудга кечаги хушхабарни етказиш учун шошилдим. Унинг олдига бориб, бўлиб ўтган воқеани айтсам, у менга: «Сендан олдин Абу Бакр келиб, айтиб кетди», деди. Бирор-бир яхшиликда Абу Бакрдан ўза олмадим!

Бу хикоя саҳобалар бир-бирларига яхшиликни қанчалар ишташганига далолат қилади. Улардан бири бирор соҳада барчадан ўзиб кетса шодланарди. Улар бир-бири билан рақобат қилишмас, аксинча, бир-бирларини тўлдиришар эди. Асло ҳасад, рашк қилишмасди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улардан бирини мақтасалар, бошқаларининг қалби сиқилмас эди. Яхшиликни ўзларига ишташгани каби бошқаларга ҳам ишташарди. Уларнинг кўкслари саломат, қалблари покиза эди. Шунинг учун ҳам Абу Бакр билан Умар розияллоҳу анҳумо Ибн Масъуд розияллоҳу анҳуга яхши хабарни етказишда шошилишяпти!

Бошқаларнинг муваффақиятга эришиши сизнинг муваффақиятсизлигингиз эмас.

Бошқаларнинг бой бўлиши сизнинг фақирлигингиз эмас.

Бошқаларнинг саодатли бўлиши сиз учун бахтсизлик эмас.

Қалбингизни покланг. Уни яхшиликка, кишиларга муҳаббат қилишга ўргатинг. Кишиларнинг хурсандчилигидан шодланишга қалбингизни одатлантиринг. Уларнинг хафалигидан маҳзун бўлишга ҳам одатлантиринг. Жаннатга олиб борадиган энг қисқа йўл қалб

саломатлигидир!

Яхшилик элчиси бўлинг. Сулаймон алайҳиссаломнинг Ҳудҳуди каби саҳиҳ хабарни етказувчи бўлинг. Нух алайҳиссаломнинг кабутари каби тўфоннинг тугагани ҳақидаги хурсандчилик хабарини беринг!

Инсонлар орасида яхшилик билан юринг. Бир инсоннинг орқасидан айтилган хуш сўзларни бошқаларга етказинг. Ёмон гапларни эса яширинг. Инсонлар орасида чақимчилик қилманг. Акс ҳолда, иблиснинг элчиси бўлиб қоласиз.

Бир киши Ваҳб ибн Мунаббиҳ роҳимаҳуллоҳнинг ҳузурига келиб деди:

- Фалончи сизни сўкиб ҳақоратлади!

Ваҳб деди:

- Шайтон сендан бошқа элчи топмадими?!

«Набавий тарбия» китоби асосида тайёрланди

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 7 мартдаги 03-07/1506-рақамли ва 2023 йил 24 мартдаги 01-07/1959-рақамли хулосалари асосида тайёрланган.